
ФАРҒОНАЛИК БОКСЧИ АСАДХЎЖА МЎЙДИНХЎЖАЕВ – БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!!!

Тошкентда бўлиб ўтаётган бокс бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида фарғоналик боксчи Асадхўжа Мўйдинхўжаев олтин медални қўлга киритди!

67 кг вазнда иштирок этган Асадхўжа Мўйдинхўжаев финалда қозоғистонлик чарм қўлқоп устаси, Дулат Бекбауов устидан ишончли ғалабага эришди: 5:0! Бу йилги чемпионат низомига кўра, Асадхўжа олтин медаль билан бирга 200 минг доллар пул мукофоти эгасига ҳам айланди.

- 92 кг вазн тоифасида иштирок этган фарғоналик яна бир боксчи Лазизбек Мулложонов жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби бўлди.

Асадхўжа Мўйдинхўжаев Фарғона вилоятидан чиққан иккинчи бокс бўйича жаҳон чемпиониدير. 2019 йили Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида вилоятимиз вакили Миразизбек Мирзахалилов -57 кг вазн тоифасида олтин медални қўлга киритганди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-05-13 18:01:56